



XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko'chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2022 - yil 25 - oktabr

VI-64-172-2-41-K/22

Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон туман маҳаллий бюджетида 2022 йилда шаклланган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағларини 2000 тадан ортиқ овоз тўплаб, ғолиб бўлмаган лойиҳаларга йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли, 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли қарорларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2022-йилнинг 11-октябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида берган топшириқлари инобатга олинсин.

2. Туман ҳокимлигига “Очиқ бюджет” ахборот порталида фуқаролар томонидан 2000 дан кўп овоз тўплаган 2 та тақлиф ташаббускорлари яъни:

Тумандаги 19-умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш харажатларига 900,0 млн сўм (2269 та овоз);

Тумандаги Зарчабек МФЙ Навоий кўчасидаги 33-37-39-43-44-45-46-47-кўп қаватли уйлар фасад қисмини кириш йўлаклари бетонлаштириш ва 12*5 ўлчамли янги тандирхона қуриш харажатларига 420,0 млн сўм (2184 та овоз);

Жами 1320,0 млн сўмлик маблағларни туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” ҳисобидан туман Халқ таълими бўлимининг тегишли ҳисоб рақамига 900,0 млн сўм, ҳамда Ободонлаштириш бошқармасининг тегишли ҳисоб рақамига 420,0 млн сўмлик маблағлар ўтказилиши маъқуллансин.

3. “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да шаклланган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда фақат жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилсин ва ушбу маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилиши таъқиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раҳмонов зиммасига юклатилсин

Туман Кенгаши раиси



Ж.Ф.Шаропов

Xalq deputatlari Shofirkon tuman Kengashining
2022 yil 25 oktabrdagi
VI-64-172-2-41-K/22-son qaroriga
1-ilova

Шофиркон тумани бўйича 2022 йилнинг 2-босқичида 2000 дан ортиқ овоз тўплаган жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

минг сўмда

| № | Ҳолиб таклиф маълумотлари | | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган* | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---------------------------|------------------------------|--|------------------------|--------------------------------------|-----------------------|--|---------------------------|
| | Таклиф ID рақами | Манзил | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | | 1 320 772 | x | x |
| 1 | 1730600082 | Шофиркон тумани Гулистон МФЙ | Шофиркон туман 19-умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш. | 2269 | 900 000 | 900 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими бўлими |
| 2 | 1730600108 | Шофиркон тумани Зарчабек МФЙ | Шофиркон туман Зарчабек МФЙ Навоий кўчасидаги 33-37-39-43- 44-45-46-47-кўп қаватли уйлар фасад қисмини кириш йўлаклари бетонлаштириш ва 12*5 ўлчамли янги тандирхона қуриш | 2184 | 420 000 | 420 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Ободонлаштириш бошқармаси |
| ЖАМИ: | | | | | 1 320 000 | 1 320 000 | | |
| Тақсимланмаган маблағ | | | | | | 772 | x | x |